

СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИДА БИРИНЧИ МАНБА ВА АДАБИЁТЛАРДАН Фойдаланиш ва таржима қилиш муаммолари



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10366015>

Дилшод ШАРИПОВ,

Бухоро давлат педагогика институти ўқитувчиси,

Бухоро, Ўзбекистон

Tel.: +998914036442; Email: dilshodsharipov70007@gmail.com

***Аннотация.** Ушбу мақолада сиёсий ва ижтимоий фанларнинг тадқиқоти ва методологиясига оид илк манба ва адабиётлардан фойдаланиш, уларни таржима қилиш ва ёшларга тақдим этиш бўйича юзага келадиган масалалар атрофлича таҳлил қилинган ва айрим тавсия, таклифлар илгари сурилган.*

***Калит сўзлар:** сиёсий ва ижтимоий фан, тадқиқот, таржима, биринчи манба, методология, медиатаълим, ЮНЕСКО.*

***Аннотация.** В данной статье подробно анализируются вопросы, возникающие при использовании первоисточников и литературы, связанных с исследованием и методологией политических и социальных наук, их переводом и представлением молодежи, а также выдвигаются некоторые рекомендации и предложения.*

***Ключевые слова:** политические и социальные науки, исследования, перевод, первоисточник, методология, медиаобразование, ЮНЕСКО.*

***Abstract.** In this article, the problems arising in the use of primary sources and literature related to the research and methodology of political and social sciences, their translation and presentation to young people are thoroughly analyzed and some recommendations and suggestions are put forward.*

***Keywords:** political and social science, research, translation, primary source, methodology, media education, UNESCO.*

Сиёсатда ҳам, сиёсий фанларда ҳам чуқур мушоҳада лозим. Лекин айни пайтда бу илғор фан ғояларини инкор этмаслиги зарур, яъни сиёсий мафкуралар хилма-хиллиги манбалар тадқиқи ва таржимасига таъсир қилмаслиги керак. Албатта, айни пайтда миллий ғоя ва мустақкам соҳавий билим тадқиқотчи ёки таржимоннинг таржима ишида бош мезон бўлиши керак. Айтмоқчимизки, тил билувчи таржимон сиёсий адабиёт/манбани таржима қилганда нималарга эътибор қилиши унинг шу соҳага оид билим ва малакаси

бор-йўқлиги билан ҳам ўлчаниши лозим. *Билим бош мезон бўлиши керак ва илмга хизмат қилувчи манба, албатта, таржима қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.* Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ушбу таъкидлари барчамизга дастур-ул амалдир: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”[1, 23]. Таъкидламоқчимизки, илмнинг энг сараси ва яхшисини ёш авлодга илинмоқ ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бунда таржима ва таржимонлик, албатта, барчанинг дастгири бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, яхши мутахассис бўлиш учун албатта, муаллиф ёзган тилда адабиёт ўқилиши керак – шунда унинг нима демоқчи эканлигини фаҳмлаш, идрок этиш ва ғоямизга мос/йўқлигига қараб қабул қилишимиз мумкин. Демак, тил билиш ҳозирги кун талабидир. Ҳар бир олий маълумотли шахс камида битта чет тилини жуда ҳам яхши билиши шартдир, ваҳоланки, жадидлар тўрт тил билиш кераклигини уқтиришганди.

Таъкидлаймизки, тадқиқотчининг миллий ғояга мос (ўз) ғояси бўлсин – шу уни илм сари етаклайди, шу уни ўз “Мен”идир, бўлмаса, мустақил фикр шакл топмайди, илм ривожланмайди, янги илм яратилмайди. Сиёсий ва ижтимоий фанларда ҳам худди шундайдир.

Мутахассислар хавфсирайдиган бир ҳодиса ҳам борки, у ҳам ҳар доим ўзини оқламайди – сиёсий манбалар таржимасида мафкура омили инобатга олиниши жоиз, деб – зўр сиёсатшунос, машҳур файласуф, албатта, ўз *юртининг фарзандидир*, унинг манфаатлари ва ғоясига содиқдир, лекин айни пайтда *яхши фикр, илм-фан намоёндаси ҳамдир*. Бу икки ҳодиса ёки аввал, ёки кейин кузатилади. Масалан, Н.Макиавелли, С.Хантингтон, Зб.Бжезинскийларнинг айрим асарлари ёшларнинг ўзларининг ташаббуслари билан кечикиб бўлса ҳамки, ўзбек тилига ўгирилди, албатта, бу иш таҳсинга сазовор ва талаба-ёшларга сиёсий фикр учун манбадир. Фрэнсис Фукуяма, Генри Киссенжер, Қуинси Райт, Толкот Парсонс, Луис Козер, Габриэл Алмонд, Морис Дюверже, Ганс Моргентау, Альфред Мэхен, Хальфорд Маккиндер, Жак Аталли каби жуда кўплаб муаллифлар асарлари ўзбек тилига ўгирилмаган. Уларнинг номи тўлиқ келтирсак, бир мақола ҳажми озлик қилади. Бундан ташқари, шарқ алломалари сиёсий ва ижтимоий фикрлари билан қиёсий методология яратилмаган. Фаннинг мумтоз назариялари яратилиши керак-бу эса бир умрлик ишдир, фанга ва илмга фидойилиқдир, эмпирик ва методологик вазифадир. Кун тартибидаги масала бўйича, назаримизда, қуйидагилар намоён бўлмоқда:

Сиёсий фанлар қомусий луғатлари ёки энциклопедияси яратилмаган;

Сиёсий фаннинг мумтоз вакиллари асарлари таржима қилинмаган ва уларнинг антологияси яратилмаган, худди, энг машҳур файласуфлар, И.Кант,

Г.В.Гегел, Ж.С.Милл, Ж.Локк сингари файласуфлар асарлари тўлиқ ўзбек тилига ўгирилмагани каби;

-Сиёсий фанлар жамияти/сиёсатшунослар жамияти тузилмаган ва ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги методологик жиҳатдан таҳлил қилинмаган;

Сиёсатшунослар бевосита сиёсий адабиётлар таржимаси билан банд эмас, уларнинг таржимашунослик ва ноширлик иши кўзга ташланмаяпти;

Соҳавий яхши билимдон, олим ва мутахассислар жуда ҳам кўп, лекин ҳомийлик қиладиган ташкилот мавжуд эмас ёки махсус грантлар ажратилиши назарда тутилмаган;

– Сиёсатшунослар халқаро журналистика, халқаро муносабатлар социологияси, халқаро сиёсат назарияси, халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий муносабатлар, геосиёсат, геоиқтисод, геомафкура, геомаданият, дунёвий тартибот, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка оид манбалар таржима қилинишида тегишли ташкилий тузилма асосида иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар билан ҳамкорликда таҳрир жамоаси таркибида бўлиши зарур, лекин уларни жам этувчи бирор тузилма мавжуд эмас.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, таржимон ёки журналистда чуқур сиёсий ёки фалсафий билим бўлиши мумкин эмас, чунки унинг профили бу эмас, бу унинг соҳаси эмас. *Лекин (уларнинг) туғма қобилият ва интуиция(си)ни рўёбга чиқарувчи илм-фанлар керакдир.* Абу Наср Фаробий ёзади: *“Бахт-саодатга эришув ва туғма қобилиятларнинг ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтожлик туғилади”* [2, 290]. Худди шунингдек, назаримизда, юртимиз таржимонлари ва соҳавий олимларининг бошини қовуштирадиган бир “муаллим” ёки “раҳбар” вазифасини айнан шу халқаро таржимонлар форуми ташкилотчиси Тошкент давлат шарқшунослик университети бажарса, мақсадга мувофиқ бўларди ва бунда таржимонлик бўйича маълум бир домий (фаолият юритувчи) ташкилий тузилма вазифасини ўтаса, яхши иш бўларди. Чунки олимлар ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватловчи *таржимонлар жамияти* тузилган эмас. Шу билан биргаликда, таълим тизимида узвийлик қонуниятига кўра, шу соҳага қизиқадиган мутахассислар, дейлик, халқаро журналистика ва халқаро муносабатларда таҳсил оладиган ёшлар учун албатта, халқаро муносабатлар социологияси, халқаро муносабатлар психологияси, иқтисодиёт асослари, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро сиёсат назарияси, этмаданият, этносociология, этномусиқа, этногенез ва этнология (миллатшунослик), мамлакатшунослик, минтақашунослик, сиёсий ва стратегик таҳлил, коммуникация социологияси, сиёсий психология, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий

маданият, тинчлик назарияси ва амалиёти, глобаллашув ва геосиёсат асослари, ташқи сиёсат назарияси ва асослари каби фанлар ва махсус курслар мутахассислик фанлари ва хорижий тиллар билан кетма-кетликда ўқитилиши лозим. Дипломатия ва дипломатик этика билимлари эса касб этикаси нуқтаи назаридан, албатта, ўқитилган бўлиши керак. Демак, *ҳали ўқитиш технологиялари ва таълим ва фан дастурларининг “фундаментал даража” (индекси)си ишлаб чиқилиши лозим ва дунё стандартларига мос бўлиши назарда тутилиши керак, яъни қайси фанларни ўқиса, талаба-ёш шу соҳада мутахассис бўлиб етишади ва бу масала ҳали аниқ тизимли таҳлил ва чуқур мушоҳадага муҳтож, деб ўйлаймиз. Мутахассислар методологияни мафкурадан устунроқ қўйишади. Зеро, “Методология – инсон англаш жараёнининг илмий тадқиқот принциплари ҳақидаги таълимотдир...” [3, 274].*

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фан, ҳар қайси фан юртимиз имиджини кўтаришга, Янги Ўзбекистон орзусини амалга оширишга хизмат қилиши керак.

Фан ва технологиянинг илк ва сўнгги мавжудлик асоси ҳам юртпарварлик ва халқпарварлик бўлиши керак, оғирни енгил қилишга, муаммони бартараф этишга хизмат қилиши керак. Масалан, ҳукумат қарори билан республиканинг деярли барча олий таълим даргоҳларида “Медиасаводхонлик” фанлари ўтилмоқда.

Айтамикки, “Медиатаълим ва ахборот маданияти” фани ўз қонуниятларига кўра, ижтимоий фандир. Бу фаннинг асосчиси ЮНЕСКО ташкилоти ҳисобланади, лекин ҳали-ҳамон шу фан ўқитилиши ёки ривожлантирилишига оид ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги офиси ташаббуси ёки ҳамкорлиги билан юртимизда бирорта ҳам йирик лойиҳа ишга туширилмади, фанга оид жаҳоннинг йирик олимлар асарлари таржима қилинмади, махсус грантлар эълон қилинмади. Ваҳоланки, ташкилот бош қотибининг медиасаводхонлик йўлига кирганларга йўллаган қутлов сўзини, ҳар доим талабаларга, ўқиб берамиз. Назаримизда, юртимизда медиасаводхонлик фанини янада ривожлантириш учун қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш (махсус Президент қарори лойиҳаси ёки ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва унга амал қилинган ҳолда бўлса) мақсадга мувофиқ бўларди:

- фан бўйича вазирлик ва ЮНЕСКО офиси ҳамкорлигида алоҳида ёки махсус қўшма қарор асосида бирор бир кафедра асосида “ЮНЕСКО кафедраси” очилиши ва шу кафедра шафеълигида юртимиздаги шу соҳа бўйича мутахассисларининг бир ягона электрон платформасини яратиш ва юритиш, улар ўртасида ҳар хил танловлар ўтказиш, масалан, ЮНЕСКО ҳомийлигида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Энг яхши дарслик”, “Энг яхши ўқув қўлланма”,

“Энг яхши луғат”, “Энг яхши методик қўлланма” сингари тадқиқот ва методологик дастурлари/лойиҳаларини ишга тушириш;

- ўқитувчиларнинг қўшма дастур асосидаги ҳар йилги ёзги лагерлари ёки малака ошириш курслари ташкил этилиши;

- медиасаводхонлик ва медиапедагогика, ахборот-кутубхона масалари бўйича ўтказиладиган ЮНЕСКОнинг навбатдаги конференцияларидан бирини Ўзбекистонда ўтказилиши ва Грюнвалд (1982), Александрия декларацияси (2005) сингари, (Тошкент, Самарқанд, Бухоро – ўзаро келишувга кўра) декларацияси қабул қилинишига эришиш – бу жуда ҳам катта иш, жаҳон аҳамиятга молик ишки, айна дамда жаҳон афкор оммаси олдида Янги Ўзбекистоннинг тўла бўй-бастини, ўз қаддини ростлаганини кўрсатган бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. Жорий йилнинг 16-20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг тарихий 25-йиғилиши бўлиб ўтгани ва унда 130 дан ортиқ давлат вакиллари, жумладан, 79 нафар туризм вазири иштирок этгани [4] бундай юқори савияли дипломатик жараёни юртимизда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича катта тажриба шаклланаётганлигини кўрсатади;

- шу соҳа бир устозини бириктирган ҳолда педагогика институтлари ва филология, журналистика йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим даргоҳларида талаба-ёшлар учун “ЮНЕСКО-медиа тўғарак” лойиҳасини ишга тушириш ва лойиҳа доирасида ОТМ ёшлар радио каналларини жорий этиш ва ёшларнинг матбуот, ОАВга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш бўйича танлов ва грантлар ажратилиши мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз. Бу айна пайтда ёшларимизнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш ва маълум қизиқишларини рўёбга чиқаришга, уларни жамоатчилик билан алоқаларга муносабатини шакллантирган бўлардик.

Таъкидлаш ўринлики, молиялаштирилмаган ҳар қандай лойиҳа, тақлиф асосиз ва келажаги йўқдир. Ваҳоланки, юртимиз олимлари ўз сайҳалари билан бу соҳа-фанга оид кўплаб қўлланмалар, ўқув адабиётлари яратишди ва изланишлар олиб боришмоқда. Ушбу ишларнинг барчаси айна пайтда шу соҳа бўйича яхши манбалар тадқиқини ва илк манбалар таржимасини кўпайтиришга хизмат қилади, лекин барибир, қўллаб-қувватловга муҳтождир. Масалан, медиатаълим бўйича 406 саҳифалик биринчи дарслик ҳам айнан ЮНЕСКО ҳомийлигида *Заглоул Морси* таҳрири остида жаҳоннинг 25 мамлакати муаллифлари мақолалари асосида инглиз, француз ва испан тилларида Парижда нашр этилди [5]. 2011 йилда эса *Алтон Гриззли* ва *Каролин Уилсон*лар таҳрири остидаги бешта муаллиф иштирокида ёзилган навбатдаги 191 бетлик дарслик Парижда ЮНЕСКО ҳомийлигида нашр этилди [6]. Бундан ташқари, 2019 йилда

ЮНЕСКО томонидан “Медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича глобал стандартлар” 37 саҳифада ишлаб чиқилди [7]. Охириги дарслик 2022 йилда нашр этилди. Бундан ташқари, медиатаълим, медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича жуда ҳам кўплаб олимлар ер юзи бўйлаб тадқиқотлар олиб боришмоқда [8]. ЮНЕСКО қадами етган ерларда бу фан ўқитилмоқда. Айтамикки, жаҳонда шунчалар кўп муаллифлар бу ижтимоий фанга қизиқишадикки, бу ўзига барча соҳа вакиллари қамраб олувчи, ёш ва тил фарқламайдиган ва ЮНЕСКО таъбири билан айтганда барча учун “бутун умр давом этадиган фандир”.

Умуман олганда, сиёсий ва ижтимоий фанлар, назария ва амалиёт тадқиқоти ва методологиясида биринчи манба ва адабиётлардан фойдаланиш ва таржима қилиш илмнинг мавжудлиги ва келажагини кўрсатувчи маъқдир ва бунда, ўйлашмикки, билдирилган фикр, тавсияларимиз фан ривожини учун инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

- [1] – Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2022.
- [2] – Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Қадимги дунёнинг фалсафий анъаналари ҳамда дунёвий илм ва маданиятнинг кучли тараққиёти ҳақида. Тошкент. “Ёшлар матбуоти”. 2022.
- [3] – В.П. Конечкая. Социология коммуникации. Международный университет Бизнеса и Управления. «Братья Карич». Москва. 1997.
- [4] https://uza.uz/uz/posts/bugun-samarqand-shahrida-bmt-butunzhahon-turizm-tashkiloti-bosh-assambleyasining-25-sessiyasi-boladi_528973
- [5] – Media education. Published in 1984 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, 7 place de Fontenoy, 75700 Paris Typeset by AU P Typesetters (Glasgow) Ltd, United Kingdom Printed by Presses Universitaires de France, Vendome, France. Unesco 1984 Printed in France. P.406.
- [6] – Media and Information Literacy Curriculum for Teachers. Edited by Alton Grizzle and Carolyn Wilson. Carolyn Wilson, Alton Grizzle, Ramon Tuazon, Kwame Akyempong, Chi-Kim Cheung. Published by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France. 2011.
- [7] – Global Standards for Media and Information Literacy Curricula Development Guidelines. Paris. 2019.
- [8] – Duncan, B. (Ed.). Media Literacy. Resource Guide. Toronto. Ontario: Ministry of Education, 1989; *Andretta S.* Transliteracy: take a walk on the wild side [Electronic resources] / S. Andretta // World Library and Information Congress: 75th

IFLA General Conference and Assembly «Libraries create futures: Building on cultural heritage» (23–27 August 2009, Milan, Italy). Access mode:<http://www.ifla.org>; Aufderheide, P., Firestone, C. Media Literacy: A Report of the National Leadership Conference on Media Literacy. Queenstown, MD: The Aspen Institute, 1993;

